

САНОАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Қурбонов Жамшид Қахрамонович,
ТДИУ ҳузуридаги ИТМ кичик илмий ходими
E-mail: jamshid_qurbonov@inbox.ru

Аннотация. Мақола Ўзбекистон саноатини модернизациялашнинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммоларига бағишланган. Саноат – меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва бутун миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишнинг техник ва технологик асосидир.

Аннотация. Статья посвящена обзору текущего состояния и существующих проблем модернизации промышленности Узбекистана. Промышленность является техническим и технологическим фундаментом роста производительности труда и повышения конкурентоспособности всей национальной экономики.

Abstract: The article is devoted to a review of the current state and existing problems of modernization of Uzbekistan's industry. Industry is the technical and technological basis for increasing labor productivity and improving the competitiveness of the entire national economy.

Калим сўзлар: модернизация, саноат, самарадорлик, рақобатдошлик, инвестиция, атроф-муҳит.

Кириш

Мамлакатимиз узок истиқболда ривожланишнинг инновацион босқичларига ўтишни ўз олдига мақсад қилган айна дамда саноати ривожланаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб, ушбу вазифани амалга ошириш бевосита саноатни модернизация ва диверсификация қилишни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида белгилаб қўйилганидек, ушбу стратегия учинчи бандининг иккинчи қисми “Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, унинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш” га бағишланади. Унга кўра, келгуси 5 йилда республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, унинг ЯИМдаги улуши – 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишловчи тармоқларнинг саноатдаги улуши – 80 фоиздан 85 фоизга ўсиши ва жорий 2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилиши кўзда тутилган [1].

Фикримизча, иқтисодий модернизациянинг пировард мақсади – мамлакат иқтисодиёти рақобатдошлигини шундай даражага етказиш бўлиши кераки, у мамлакатга глобал микёсда нафакат ресурслардан фойдаланиш

самарадорлиги, балки аҳолининг турмуш сифати бўйича ҳам муносиб ўрин эгаллашига имкон берсин [2]. Ишлаб чиқариш рақобатдошлигини муайян давр мобайнида арзон ишчи кучи ва дунёдаги илғор технологияларни “кўчириб ўтказиш” ҳисобидан таъминлаш мумкин. Аммо ривожланишнинг юқори босқичларига яқинлашиш билан юқори иқтисодий ўсиш суръатларини фақат янги, арзон ва сифатли товарларни ишлаб чиқаришни англлатувчи доимий инновациялар оқими асосидагина сақлаб қолиш мумкин.

Иқтисодиётни модернизациялаш фақатгина техника ва технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш билан чегараланиб қолмайди. Модернизация миллий иқтисодиётдаги давлат институтлари, давлат молиясини бошқариш, давлат сектори корхоналари, молиявий сектор, меҳнат бозори, ижтимоий ҳимоя тизими каби соҳалардаги кенг қамровли чуқур таркибий ўзгаришларга ҳам йўналтирилган бўлиши зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

XX - асрнинг сўнгги эллик йилида ҳаётнинг барча жабҳаларидаги, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик, минтақавий ва халқаро модернизацияни ўрганишга бўлган қизиқиш тўлқинлари уч марта кўтарилди ва бир қанча назарий изланишларга замин яратди. Натижада, 1950–1960 йиллардаги модернизациянинг классик тадқиқотлари, 1970–1980 йиллардаги постмодернизацион тадқиқотлар ва 1980 йиллардан ҳозирги давргача бўлган неомодернизацион тадқиқотлар ривож топди [3].

Машҳур иқтисодчилар, жумладан Николас Калдор, Рагнар Нерске ва Артур Льюис томонидан ишлаб чиқилган таркибий ўзгаришларнинг анъанавий иқтисодий назариялари ишчи ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишнинг асоси – саноатлаштириш деб қарашган. Қайта ишловчи саноат иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнаши тўғрисидаги мунозаралар бугунги кунгача давом этмоқда [4].

Меҳнат унумдорлиги ва товар-хизматлар сифатини доимий равишда ошириб боришга ёрдам берадиган ресурс тежовчи технологияларга асосланган замонавий саноатлаштиришни амалга оширмасдан иқтисодиётни модернизация қилишнинг имкони йўқ. Чунки, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қайта ишловчи саноат – меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва бутун миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишнинг техник ва технологик асосидир. Қолаверса, саноат сиёсати қайта ишловчи саноат сектори билан чегараланмасдан, у қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, шунингдек хизматлар секторини ҳам қамраб олади.

Жаҳон банки саноат сиёсатини “самарадорликни ошириш асосида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун иқтисодиёт структурасини ўзгартириш бўйича ҳукумат томонидан ички имкониятларни ишга солиниши” сифатида талқин қилади [5]. Ушбу таъриф ўринли, сабаби у бутун диққат-эътиборни саноат маҳсулотлари структурасининг шунчаки ўзгариши ёки иқтисодиётнинг алоҳида секторларига эмас, бутун иқтисодиёт миқёсидаги ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадларига қаратади.

Қолаверса, мамлакат рақобатбардошлиги кўплаб омиллар билан белгиланади. Нуфузли Жаҳон иқтисодий форуми 2004 йилдан буён ҳар йили 12 та йўналиш бўйича (институтлар сифати, инфратузилма, макроиқтисодий барқарорлик, соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим, олий таълим ва қайта тайёрлаш, товар ва хизматлар бозори самарадорлиги, меҳнат бозори самарадорлиги, молиявий бозорларнинг ривожланганлиги, технологик даража, ички бозор ҳажми, компаниялар рақобатдошлиги, инновацион салоҳият) 110 дан зиёд баҳолаш кўрсаткичларини ўз ичига олган глобал рақобатдошлик индекси (Global Competitiveness Index) асосида дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатлари рақобатдошлик рейтингини юритиб келмоқда [6].

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани батафсил ёритишда илмий тадқиқотларнинг назарий ва эмпирик усулларида кенг фойдаланилди.

Миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш асосида амалга оширилади. Бунинг сабабини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, айнан саноат ишлаб чиқаришдан келадиган даромадлар молиявий ва инвестицион ресурсларнинг асосий манбасидир. Айни бир пайтда саноатнинг экспорт қилувчи тармоқлари янги техника ва технологияларни импорт қилишга имкон берувчи валюта тушумларининг асосий қисмини таъминлаб беради.

Иккинчидан, саноат ишлаб чиқариш озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга, саноат ва бошқа тармоқларни модернизациялаш учун зарур бўлган ускуналар, машиналар, материалларни ҳам ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.

Учинчидан, саноатни модернизациялаш инновацион иқтисодиётга ўтиш учун замин яратади. Фирма, бозор ва дунё учун янги бўлган товар ва ишлаб чиқариш усуллари доимий равишда яратувчиларгина тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат муҳитида ғалаба қозонади.

Бугунги кунда саноатни ривожлантиришнинг инновацион моделларида қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилмоқда:

- ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиши;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- ЯИМ энергия сифимкорлигини камайиши;
- ЯИМда инновацион сектор ялпи қўшилган қийматининг улуши;
- технологик инновацияларни амалга оширган саноат корхоналарининг улуши;
- саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар солиштира оғирлигининг ошиши;
- машинасозлик саноати маҳсулотлари экспортининг ошиши.

Энг муҳими, саноатни модернизациялаш қуйидаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур:

- солиқ инструментлари, ташқи савдо, монополиядан чиқариш, амортизация, патент сиёсати орқали илғор технологияларни ўзлаштиришни билвосита рағбатлантириш;

- давлат томонидан грантлар, буюртмалар, кредитларни илмий ишланмалар ва тадқиқотларнинг устувор соҳалари ўртасида тақсимлаш орқали илғор технологияларни ўзлаштиришни бевосита рағбатлантириш;

- инновацион иқлимни шакллантириш, шунингдек ишланмалар ва тадқиқотлар инфратузилмасини, жумладан лицензиялаш, патент бериш, стандартлаштириш, тажриба орттириш бўйича таҳлил марказларини ташкил қилиш, сертификатлаштириш, техника ва технологияларнинг ривожланиш прогнозларини тайёрлаш.


Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда олиб борилган саноатлаштириш сиёсати доирасида кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида, 2007 йилга келиб мамлакатимиз ЯИМда биринчи марта саноатнинг улуши қишлоқ хўжалиги улушидан оширилди. Охириги 15 йил ичида саноатнинг ўртача йиллик ўсиши қарийб 9 фоизни ва айти шу давр мобайнида ушбу тармоқнинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 10 фоиз пунктга ошиб, 2015 йилда 24 фоиздан кўпроқни ташкил қилди.

Бугунги кунда саноатнинг энергетика, металлургия, кимё, машинасозлик, алоқа, транспорт, қурилиш материаллари ва истеъмол товарлари тармоқларида яратилган ишлаб чиқариш қувватлари асосан (ёки қисман) мамлакат эҳтиёжини таъминламоқда. Ўзбекистон электроэнергия ишлаб чиқариш бўйича 2013 йил ҳолатига кўра дунё мамлакатлари орасида 50 ўринда (54 200 ГВт/соат) [7], кўмир ишлаб чиқариш бўйича 2013 йил ҳолатига кўра 33 ўринда (4,4 млн т.) [8], табиий газ қазиб олиш бўйича 2014 йил ҳолатига кўра 15 ўринда (57,3 млрд. м³/йил) [9], пўлат ишлаб чиқариш бўйича 2015 йил ҳолатига кўра 49 ўринда (640 минг т.) [10], автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш бўйича 2015 йил ҳолатига кўра 32 ўринда (185 минг дона) [11] бормоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон саноатини модернизациялаш ҳолатини қуйидагича баҳолаш мумкин.

1. Меҳнат унумдорлиги ўсишини баҳолаш. Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги йилларда юқори ва барқарор суръатларда ривожланмоқда. Сўнгги 15 йил мобайнида саноатнинг ўртача йиллик ўсиши 8,7 фоизни ташкил қилиб, саноатдаги қўшилган қиймат 2014 йилда қарийб 35 трлн. сўмга етди. Саноатдаги меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик ўсиши 2000-2014 йиллар давомида 6,8 фоизни ташкил қилди (1-расм) [12].




1-расм. Саноатдаги қўшилган қиймат, меҳнат унумдорлиги ва саноат ишлаб чиқариш ўсиши динамикаси

Мамлакатимиз саноатдаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи (2000 йил нархларида олинган саноатдаги қўшилган қийматнинг шу секторда банд бўлганлар сонига нисбати) бўйича ривожланган мамлакатлардан анча ортда қолмоқда. Иқтисодиётнинг динамик ривожланаётганига қарамадан бундай тафовутни кескин қисқартириш кўп вақт талаб этади.

2. Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш. Саноатнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш учун 2001 йилда Жаҳон банки томонидан чоп этилган барқарор ривожланиш кўрсаткичларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.


Жаҳон Банки маълумотларига кўра, 1990 ва 2013 йиллар давомида ҳар бир килограмм нефть эквивалентига тўғри келувчи ХҚП бўйича ҳисобланган ЯИМ мос равишда юқори даромадли мамлакатларда 4 дан 9 АҚШ долларигача, Хитойда 1,5 дан 5,5 гача, Россияда 1,4 дан 4,7 гача, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 0,9 дан 3,6 АҚШ долларигача ошди. Кўриниб турибдики, ҳозирда Ўзбекистон ва юқори даромадли мамлакатлар ўртасида ушбу кўрсаткич бўйича тафовут 2,5 баробарни ташкил қилмоқда (2-расм).



2-расм. ЯИМ энергия сифимдорлиги (ҳар бир килограмм нефть эквивалентига тўғри келувчи ХҚП бўйича ЯИМ) [13]


Шунингдек, 1992 ва 2011 йилларда ХҚП бўйича ҳисобланган ЯИМнинг ҳар бир АҚШ долларига тўғри келувчи CO₂ чиқиндиси мос равишда юқори даромадли мамлакатларда 0,6 дан 0,3 килограммгача, Хитойда 1,8 дан 0,7 гача, Россияда 2,0 дан 0,5 гача, Ўзбекистонда 3,1 дан 0,9 килограммгача пасайди. 3-расмдан кўриниб турибдики, бугунги кунда бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз ва юқори даромадли мамлакатлар ўртасидаги фарқ 3 баробарни ташкил этмоқда.

Ушбу йўналишда олиб борилган яна бир тадқиқот натижаларига кўра, а) мамлакатимиз ЯИМга нисбатан энергия сарфи ривожланган мамлакатлар даражасига нисбатан 4,7 баробар, ривожланаётган мамлакатлар даражасига нисбатан 1,4 баробар юқорилиги; б) асбоб-ускуналарнинг эскириши тармоқларда 50 фоизга етиши аниқланган [15].



3-расм. CO2 чиқиндиси (ХҚП бўйича ЯИМ ҳар бир АҚШ доллариға тўғри келувчи CO2 чиқиндиси) [14]

Қайд этиш жоизки, хорижий инвестициялар таркибида саноат тармоқларига киритилган инвестициялар улуши 2010 йилгача мунтазам равишда пасайган бир пайтда, транспорт ва алоқанинг улуши ортган. 2010 йилдан кейинги даврда эса саноатнинг улуши яна изчил равишда кўтарилган (4-расм). Аҳамиятлиси шундаки, инвестициялар, асосан, саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш мақсадида қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарларни олиб келиш учун йўналтирилмоқда (4-5 расмлар).



Манба: Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўғлам. - Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2015. - 156-159 б.

4-расм. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни асосий тармоқлари бўйича таркиби, %

5-расм. Инвестицияларнинг технологик таркиби, %

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, асосан, инвестициялар билан белгиланади. Мамлакатимиз саноат тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳажми сўнгги йилларда жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Жумладан, инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби шуни кўрсатмоқдаки, 2010 йилда республикада асосий капиталга киритилган инвестициялар 15 338,7 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда эса ушбу кўрсаткич 19 894,6 млрд. сўмга ошди ва 35 233,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг 2010 йилда саноатнинг улуши

30,4 фоизни, яъни 4 659,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу кўрсаткичлар мос равишда 37,4 фоизни, яъни 13 164,5 млрд. сўмни ташкил қилди [16].

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида иқтисодиёт ва жамият ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Шундай бўлсада, истикболда Ўзбекистон нафақат саноатнинг техник даражаси, балки ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳам чинакам индустриал мамлакат мақомини олиш учун ҳал этиш зарур бўлган қуйидаги муаммолар мавжуд:

Биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялашнинг ҳозирги босқичи бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қуйидаги хусусиятларга эга: халқаро рақобатбардошлик даражасининг пастлиги; саноатнинг энергия ва ресурс сиғимдорлигининг юқорилиги; қўшилган қиймат даражасининг пастлиги; ишлаб чиқариш қувватларининг ортиқчалиги; минтақавий ва тармоқлараро ривожланишнинг номутаносиблиги; атроф-муҳитнинг ифлосланиши.

Иккинчидан, ишчи кучи тезлик билан ўсаётган бир шароитда, саноатнинг нисбатан капитал сиғимдорлиги юқорилиги сабабли саноатдаги янги барқарор иш ўринларининг сони етарли даражадаги тезлик билан яратилмаётганлиги.

Учинчидан, саноат технологиялари асосан четдан ўзлаштирилиши, тадқиқот ва ишланмаларга инвестициялар оқимининг қониқарли даражада эмаслиги, миллий корхоналарнинг инновацион салоҳияти чегараланганлиги – иқтисодиётни модернизациялашга тўсиқ бўлувчи омиллар сифатида намоён бўлмоқда.

Тўртинчидан, ресурсларнинг чегараланганлиги ва атроф-муҳитнинг ҳолати саноатни барқарор ривожлантириш йўллари фаол равишда излашни талаб қилмоқда.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш бўйича қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан мамлакатимиз яна кўп йиллар давомида дунёдаги илғор технологияларни “кўчириб ўтказиш” ва шу асосда саноатни такомиллаштириш, унинг техник даражаси ва халқаро бозорда рақобатдошлигини ошириш имкониятларига эга бўлади.

- саноатнинг меҳнат сиғимдорлиги юқори ва рақобатдош бўлган тармоқларига кўпроқ инвестицияларни жалб қилиш (ёки йўналтириш) иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқдир.

- ўзлаштирилган саноат жараёнларини такомиллаштириш билан бирга, алоҳида эътиборни янги ва юқори технологияларни жорий қилиш, инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва давлат инновацион тизимини яратишга қаратиш лозим. Стратегик йўналишларда миллий инновацион салоҳиятни ошириш давлат техник сиёсатининг марказида бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. //Халқ сўзи, 08.02.2017 й. №28 (6722). <http://strategy.regulation.gov.uz/ru/document/table/3>
2. Чувакина В.С. Новая индустриальная модернизация и повышение конкурентоспособности российской экономики. Вестник томского государственного университета. 2011, №3(15). С. 84.
3. Обзорный доклад о модернизации в мире и Китае (2001—2010) / Пер. с англ. Под общей редакцией Н.И. Лапина. М.: Издательство «Весь Мир», 2011. — 256 с.
4. Lin, Justin, 2011, “New Structural Economics: A Framework for Rethinking Development,” World Bank Research Observer, Vol. 26, No. 2, pp. 193–221; Rodrik, Dani, 2011, “The Manufacturing Imperative,” Project Syndicate.
5. Bernard Hoekman, Aaditya Mattoo, and Philip English , editors. 2002. “Development, Trade, and the WTO”, P. -149. World Bank, Washington, D.C
6. <https://www.weforum.org/reports/the-global-competitiveness-report-2016-2017-1>
7. [BP Statistical Review of World Energy 2015 workbook](#)
8. International Energy Statistics [Total Primary Coal Production \(Thousand Short Tons\)](#)
9. BPstats. [Statistical Review of World Energy 2015 \(англ.\)](#)
10. <http://www.riarating.ru/infografika/20160412/630017058.html>
11. [OICA 2015 statistic](#)
12. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
13. Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <http://data.worldbank.org/indicator/EG.GDP.PUSE.KO.PP.KD?view=chart>
14. <http://data.worldbank.org/indicator/EN.ATM.CO2E.PP.GD>
15. Доклад “Технологическая модернизация и эффективность: новые подходы и меры государственной политики”, ЦЭИ, Июль 2014. Стр. 24.
16. Ўзбекистон саноати. Статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2015. 55 б.